

**“Худудий электр тармоқлари” акциядорлик жамияти барча овоз берувчи  
оддий акциялари Ягона акциядорининг  
5 - сон қарори**

2024 йил “20” сентябр

Тошкент шаҳри.

“Худудий электр тармоқлари” АЖ томонидан чиқарилган ва жойлаштирилган овоз берувчи оддий акциялар 84 680 814 487 донани ташкил этади.

“Худудий электр тармоқлари” АЖнинг барча овоз берувчи акциялари Ўзбекистон Республикасининг Иқтисодиёт ва молия вазирлигига тегишли бўлиб, ушбу вазирлик Жамиятнинг барча овоз берувчи оддий акциялари Ягона акциядори ҳисобланади.

Ушбу қарор Ўзбекистон Республикаси “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунининг 58-моддасига асосан қуйидаги масала юзасидан қабул қилинди:

1. “Худудий электр тармоқлари” АЖнинг 2023 йил якунлари бўйича молиявий-хўжалик фаолияти натижалари юзасидан Жамият Ижро органининг ҳисоботини кўриб чиқиш.

2. “Худудий электр тармоқлари” АЖнинг 2023 йил якунлари бўйича йиллик ҳисоботини тасдиқлаш.

3. “Худудий электр тармоқлари” АЖ Кузатув кенгашининг 2023 йилда амалга оширган ишлари тўғрисидаги ҳисоботини кўриб чиқиш.

4. 2023 йил якунлари бўйича “Худудий электр тармоқлари” АЖ корпоратив бошқарув тизимини мустақил баҳолаш натижаларини кўриб чиқиш.

5. 2023 йил якунлари бўйича “Худудий электр тармоқлари” АЖнинг молиявий хўжалик фаолияти юзасидан аудиторлик ташкилоти ҳисоботини кўриб чиқиш.

6. “Худудий электр тармоқлари” АЖнинг акциядорларига 2023 йил якунлари бўйича дивиденд тўлаш масаласини кўриб чиқиш.

7. “Худудий электр тармоқлари” АЖ Ягона акциядорининг 15.08.2022 йилдаги 3-сон қарорига ўзгартишилар киритиш масаласини кўриб чиқиш.

8. “Худудий электр тармоқлари” АЖнинг Устави ва ички корпоратив ҳужжатларини янги таҳрирда тасдиқлаш.

9. “Худудий электр тармоқлари” АЖнинг Бошқарув аъзоларини сайлаш ёки ваколатини узайтириш.

*Кун тартибидаги биринчи масала юзасидан:*

“Худудий электр тармоқлари” АЖ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 мартдаги ПҚ-4249-сон қарорига биноан, электр энергиясини якуний истеъмолчиларга тақсимловчи ва сотувчи худудий электр тармоқлари корхоналарини бошқаришни амалга оширувчи хўжалик бошқаруви органи сифатида ташкил этилган бўлиб, унинг 2023 йилдаги фаолияти Жамият томонидан электр-энергиясини тақсимлаш ва якуний истеъмолчиларга етказиб бериш ва сотиш, истеъмолчиларга тегишли шартномавий хизматлар кўрсатиш ҳамда тизимдаги корхоналар устав капиталидаги “Худудий электр тармоқлари” АЖ улушига ҳисобланадиган дивидендлар ҳисобига молиялаштирилди.

Шу боис Жамиятнинг 2023 йилга мўлжалланган Бизнес-режаси ушбу молиялаштириш манбаларидан келиб чиқиб, Жамият Кузатув кенгашининг 29.11.2022 йилдаги 9-сонли мажлиси қарори билан тасдиқланган бўлиб, мазкур Бизнес-режага кўра 2023 йил мобайнида Жамиятнинг жами даромадлари 27 618,07 млрд. сўми (шундан 27 288,18 млрд. сўми электр энергиясини сотишдан, 309,63 млрд сўми истеъмолчиларга турли шартномавий хизматлар кўрсатишдан тушадиган даромадлар), жами харажатлари 27 298,97 млрд. сўми ташкил қилиши ва натижада 256,31 млрд. сўм миқдорида соф фойда олиниши кўзда тутилган эди.

Шу билан бирга, Жамият томонидан 2023 йил давомида юритилган фаолият натижасида жами даромадлар 31 717,75 млрд. сўми (шундан 29 130,06 млрд. сўми электр энергиясини етказиб бериш ва сотишдан ва 2 460,61 млрд. сўми шартномавий хизматларни бажаришдан ҳамда 127,09 млрд. сўм молиявий фаолиятидан даромадлар) ташкил этиб (режага нисбатан 114,8%), харажатлар 32 732,86 млрд. сўми (шундан 24 333,76 млрд. сўми кўрсатилган хизматларнинг таннархи ва 7 174,04 млрд. сўми давр ва операцион харажатлари, 1 225,06 млрд. сўми эса молиявий фоиз харажатлари ва валюта курси фарқидан зарарлар) ташкил этган ҳолда, ҳисобот даврининг зарари 1 015,09 млрд. сўми ташкил этди. Яъни, ушбу зарарнинг шаклланишига асосий сабаб бу аввалги йилларда давлат инвестиция дастурларини бажариш учун Жамият томонидан жалб қилинган хорижий валютадаги кредитлар бўйича вужудга келган 646,07 млрд. сўмлик салбий курс фарқи ва ушбу кредитларга ҳисобланган 578,98 млрд. сўмлик фоизлардир.

Шунингдек, “Худудий электр тармоқлари” АЖ томонидан ўзига юклатилган бошқарув ва операцион функцияларни бажариши натижасида 2023 йил давомида Жамият тизимидаги 12 та худудий филиаллар ва 2 та худудий электр тармоқлари корхоналари томонидан истеъмолчиларга 62,8 млрд. кВтс. (шундан аҳолига 17,8 млрд.кВтс. ва улгуржи истеъмолчиларга 45,0 млрд. кВтс., 2022 йилга нисбатан 108%) жами қиймати 33,68 трлн. сўмлик электр энергияси етказиб берилган бўлиб, тасдиқланган давлат инвестиция дастурлари асосида Республиканинг барча минтақаларида жами 9 850,0 км электр узатиш тармоқларини модернизация қилинишига ва 3 288 та трансформатор пунктларида янгилаш ва модернизация ишлари бажарилди. Бундан ташқари электр узатиш тармоқларини 2023/2024 йиллар куз-қиш мавсумига тайёрлаш жараёнида жами 29 600,0 км тармоқлар ва 10 200 та трансформатор пунктлари мукамал таъмирланди.

Шу билан бирга, Давлат активларини бошқариш Агентлигининг махсус сайтига (kpi.davaktiv.uz) доимий равишда киритилиб борилаётган маълумотларга кўра Жамиятнинг 2023 йил учун Бизнес-режасидаги Самарадорликни муҳим кўрсаткичларининг (КРІ) бажарилиши бўйича 2023 йил якуни бўйича самарадорликни асосий муҳим кўрсаткичлари йиғиндиси 63,8 фоизни, самарадорликни қўшимча муҳим кўрсаткичлари йиғиндиси 97,8 фоизни, муҳим кўрсаткичларининг умумий йиғиндиси 80,8 фоизни ташкил этди.

Кун тартибидаги биринчи масала юзасидан “Худудий электр тармоқлари” АЖнинг барча овоз берувчи оддий акциялари Ягона акциядори **қарор қилади:**

1. Жамият Ижро органининг 2023 йил якунлари бўйича молиявий хўжалик фаолияти натижалари юзасидан ҳисоботи маълумот учун қабул қилинсин.

2. “Худудий электр тармоқлари” АЖ Бошқарув раиси (Мустафоев) Жамиятнинг 2024 йилга мўлжалланган Бизнес-режаси асосий кўрсаткичларини

сўзсиз бажарилиши ва 2024 йилни соф фойда билан якунлаш бўйича лозим бўлган барча чораларни кўрсин.

***Кун тартибидаги иккинчи масала юзасидан:***

Ўзбекистон Республикасининг Қимматли қоғозлар бозори тўғрисидаги қонунчилиги талабларига мувофиқ акциядорлик жамиятларининг йиллик ҳисоботлари Жамият акциядорларининг ҳисобот йили якуни бўйича умумий йиғилиши ўтказилгандан сўнг икки ҳафта ичида қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органининг расмий веб-сайтига жойлаштириш орқали ошкор қилиши мажбурийдир.

Шу билан бирга, “Ҳудудий электр тармоқлари” АЖнинг 2023 йил якунлари бўйича молиявий ҳисоботларга кўра Жамият бухгалтерия балансининг жами активлари миқдори 27 697,46 млрд. сўмни (бунда узок муддатли активлар 15 101,28 млрд.сўмни ва жорий активлар 12 596,18 млрд.сўмни), ўзлик маблағлари миқдори 9 843,37 млрд. сўмни, жами мажбуриятлари 17 854,1 млрд.сўмни ташкил этган. Шунингдек, Жамиятнинг молиявий натижалари тўғрисидаги ҳисоботиغا кўра эса 2023 йилда жами даромадлар шундан 29 130,06 млрд. сўми электр энергиясини етказиб бериш ва сотишдан ва 2 460,61 млрд. сўми шартномавий хизматларни бажаришдан ҳамда 127,09 млрд. сўм молиявий фаолиятидан даромадлар, жами харажатлари 32 732,86 млрд.сўмни (шундан 24 333,76 млрд. сўми кўрсатилган хизматларнинг таннари ва 7 174,04 млрд. сўми давр ва операция харажатлари, 1 225,06 млрд. сўми эса молиявий фоиз харажатлари ва валюта курси фарқидан зарарлар) ташкил этган ҳолда, ҳисобот даврининг зарари 1 183,45 млрд. сўмни ташкил этган.

Ушбу молиявий ҳисоботлар асосида “Ҳудудий электр тармоқлари” АЖнинг 2023 йил якунлари бўйича йилик ҳисоботи тайёрланган бўлиб, ушбу ҳисобот Ягона акциядор томонидан тасдиқланиши зарур.

Кун тартибидаги иккинчи масала юзасидан “Ҳудудий электр тармоқлари” АЖнинг барча овоз берувчи акциялари Ягона акциядори **қарор қилади:**

1. “Ҳудудий электр тармоқлари” АЖнинг 2023 йил якунлари бўйича йиллик ҳисоботи 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. “Ҳудудий электр тармоқлари” АЖ Бошқарув раиси (Мустафоев) Жамиятнинг 2023 йил якунлари бўйича йиллик ҳисоботини тегишли оммавий ахборот воситаларида ошкор этилишини таъминласин.

***Кун тартибидаги учинчи масала юзасидан:***

“Ҳудудий электр тармоқлари” АЖ Ягона акциядорининг 15.08.2022 йилдаги 3-сонли қарори билан Жамиятнинг амалдаги таркибдаги Кузатув кенгаши аъзолари 3 йиллик муддатга сайланган. Ушбу таркибдаги “Ҳудудий электр тармоқлари” АЖнинг Кузатув кенгаши 2023 йилда ва 2024 йилнинг ҳозирги кунига қадар Жамиятнинг фаолиятига умумий раҳбарлик қилиб келди.

Жамиятнинг Кузатув кенгаши тарафидан 2023 йилнинг 11 августидан (яъни 2022 йил якуни бўйича Ягона акциядорнинг қарори қабул қилинганидан бошлаб) 2024 йилнинг 28 июнига қадар 11 марта кенгаш мажлислари ўтказилиб, ушбу мажлисларда Республикамиз қонунчилигида ва Жамият Уставида белгиланган ваколатлар доирасида, Жамият ижро органи ва ички аудит хизматининг ҳар чорак якунлари бўйича ҳисоботларини кўриб чиқиш, Жамиятнинг Бизнес-режаси асосий

кўрсаткичларини бажарилиши бўйича ҳисоботларни кўриб чиқиш, Ҳукумат қарорларини бажариш ва ушбу қарорлар асосида жамият томонидан ҳомийлик ёрдамлари кўрсатиш, Жамиятнинг акциядорларига дивидендлар тўлаш, Жамиятнинг 2024 йилга мўлжалланган Бизнес-режасини тасдиқлаш ва Жамиятнинг корпоратив бошқарув соҳасидаги бир қатор ички норматив ҳужжатларини тасдиқлаш каби жами 29 та масалалар бўйича тегишли қарорлар қабул қилинган

Бундан ташқари ҳисобот даврида Кузатув кенгаши тавсиялари асосида Жамият Ягона акциядорининг 4-та қарори қабул қилинган бўлиб, уларда асосан жамиятнинг ташкилий тузилмасига ўзгартиришлар киритиш, жамиятнинг ички меъёрий ҳужжатларини тасдиқлаш ва Жамият уставига ўзгартиришлар киритиш каби масалалар бўйича қарорлар қабул қилинган.

Кун тартибидаги учинчи масала юзасидан “Ҳудудий электр тармоқлари” АЖнинг барча овоз берувчи оддий акциялари Ягона акциядори **қарор қилади:**

1. “Ҳудудий электр тармоқлари” АЖ Кузатув кенгаши томонидан амалга оширилган ишлар тўғрисидаги ҳисоботи маълумот учун қабул қилинсин.

***Кун тартибидаги тўртинчи масала юзасидан:***

Акциядорлик жамиятлари самарадорлигини ошириш ва корпоратив бошқарув тизимини такомиллаштириш Республика Комиссиясининг 31.12.2015 йилдаги 9-сонли баёни билан Корпоратив бошқарув Кодекси тасдиқланган. “Ҳудудий электр тармоқлари” АЖ Ягона акциядорининг 29.07.2019 йилдаги 3-сонли қарори билан Жамият томонидан ушбу Корпоратив бошқарув кодексининг тавсияларига амал қилиш мажбурияти қабул қилинган.

Шу билан бирга ушбу Кодекс тавсияларига риоя қилишни ўз зиммасига олган акциядорлик жамиятларида Корпоратив бошқарув кодексининг тавсиялари бажарилишини мониторинг қилиш учун йилига камида бир марта корпоратив бошқарув тизимини мустақил баҳоловчига баҳолатиш амалга оширилади.

Корпоратив бошқарув кодекси талабларини бажариш мақсадида Жамиятнинг 2023 йил якуни бўйича корпоратив бошқарув тизимини баҳолатиш учун мустақил баҳоловчи “Silk Capital” МЧЖ тарафидан ўтказилган ўрганиш ва ушбу ташкилот томонидан берилган 29.02.2024 йилдаги 01/01-03-сонли бошқарув тизимини баҳолаш бўйича ҳулосасига кўра Жамиятнинг корпоратив бошқарув тизими қониқарли (413 балл) деб баҳоланган.

Кун тартибидаги тўртинчи масала юзасидан “Ҳудудий электр тармоқлари” АЖнинг барча овоз берувчи оддий акциялари Ягона акциядори **қарор қилади:**

1. Мустақил баҳоловчи “Silk Capital” МЧЖ томонидан “Ҳудудий электр тармоқлари” АЖнинг 2023 йил якуни бўйича корпоратив бошқарув тизими юзасидан берилган ҳулосаси маълумот учун қабул қилинсин.

2. “Ҳудудий электр тармоқлари” АЖ Ижро органи Жамиятда корпоратив бошқарув тизимини янада 2024 йил якуни бўйича “яхши” поғонага чиқариш бўйича барча зарур чораларни кўрилишини таъминласин.

### ***Кун тартибидаги бешинчи масала юзасидан:***

“PricewaterhouseCoopers” МЧЖ аудиторлик ташкилоти томонидан “Худудий электр тармоқлари” АЖнинг 2023 йил якунлари бўйича молиявий ҳисоботларининг ҳаққонийлиги бўйича аудиторлик текшируви ўтказилиб, мазкур аудиторлик ташкилоти томонидан ижобий хулоса берилган. Ушбу хулосага кўра Жамиятнинг 2023 йил якунлари бўйича Молиявий ҳисоботларнинг халқаро стандартларига (МХХС) кўра харидорлар билан шартномалар тушган тушум 29 785,65 млрд сўмни, сотиш таннари 27 524,81 млрд. сўмни, ялпи даромад 2 260,83 млрд. сўмни, умумий ва маъмурий хатажатлар 1 573,03 млрд. сўмни, бошқа даромадлар 217,86 млрд. сўмни молиявий активларнинг кредит зарарлари бўйича соф харажатлар 1 080,04 млрд. сўмни, операцион зарар 174,37 млрд. сўмни, молиявий даромадлар 105,38 млрд. сўмни, молиявий харажатлар 1 160,06 млрд.сўмни, солиқ тўлангунига қадар зарар 1 229,06 млрд. сўмни, умумий йиллик ялпи зарар 1 183,45 млрд.сўмни ташкил этган.

Кун тартибидаги бешинчи масала юзасидан “Худудий электр тармоқлари” АЖнинг барча овоз берувчи оддий акциялари Ягона акциядори **қарор қилади:**

1. “PricewaterhouseCoopers” МЧЖ аудиторлик ташкилотининг 2023 йил якунлари бўйича Жамиятнинг молиявий хўжалик фаолияти ва молиявий ҳисоботлари юзасидан Молиявий ҳисоботларнинг халқаро стандартларига кўра ҳулосаси маълумот учун қабул қилинсин.

### ***Кун тартибидаги олтинчи масала юзасидан:***

“PricewaterhouseCooper” МЧЖ аудиторлик ташкилоти томонидан молиявий ҳисоботларнинг халқаро стандартлари (МСФО) бўйича тақдим этилган ҳулосасига кўра “Худудий электр тармоқлари” АЖ 2023 йилни 1 183,45 млрд. сўм миқдоридан зарар билан якунлаган.

Шу билан бирга бугунги кунда Жамият томонидан бугунги кунда жами 84 706 71 992 дона акциялар чиқарилган ва жойлаштирилган бўлиб, шундан 84 680 814 487 донаси оддий ва 25 897 505 донаси имтиёзли акциялардан иборат.

Ўз навбатида, Жамиятнинг амалдаги Уставининг 5.11.-бандига биноан Жамият имтиёзли акцияларга улар номинал қийматининг 25 фоизи миқдоридан дивидендлар тўланади. Жамият етарли миқдорда фойдага эга бўлмаган ёки зарар кўриб ишлаётган тақдирда, имтиёзли акциялар бўйича дивидендлар жамият томонидан Жамиятнинг шу мақсад учун ташкил этилган захира фонди ҳисобидан ва ушбу фонд доирасида тўланиши мумкинлиги белгиланган.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунининг 32-ва 51-моддаларига биноан бошқа маблағлар мавжуд бўлмаган тақдирда, Жамиятнинг захира фонди Жамиятнинг зарарлари ўрнини қоплаш, Жамиятнинг корпоратив облигацияларини муомаладан чиқариш, имтиёзли акциялар бўйича дивидендлар тўлаш ва Жамиятнинг акцияларини қайтариб сотиб олиш учун мўлжалланади. Жамият етарли миқдорда фойдага эга бўлмаган ёки зарар кўриб ишлаётган тақдирда, имтиёзли акциялар бўйича дивидендлар жамият томонидан жамиятнинг фақат шу мақсад учун ташкил этилган захира фонди ҳисобидан ва ушбу фонд доирасида тўланиши мумкинлиги белгиланган. Шу билан бирга, 01.01.2024 йил ҳолатига

Жамиятнинг захира фонди 24 358 327 259,47 сўмни ташкил этган.

Жамият Кузатув кенгаши томонидан бу борада қуйидагилар тавсия этилган:

- “Худудий электр тармоқлари” АЖ томонидан 2023 йил фаолияти яқунлари бўйича олинган зарар 1183,45 млрд. сўмни ташкил этганини маълумот учун қабул қилиш.

- Жамиятнинг 25 897 505 дона имтиёзли акцияларининг ҳар бирига 25,0 сўмдан дивиденд тўлаш учун жами 647 437 625,0 сўм миқдоридан Захира фондидан маблағ ажратиш ва ушбу дивидендларни 60 кун ичида тўлаб бериш.

Кун тартибидаги олтинчи масала юзасидан Жамиятнинг Кузатув кенгаши тавсияларидан келиб чиқиб ҳамда Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунинг 50, 59 ва 75-моддаларига асосан Жамиятнинг барча овоз берувчи оддий акциялари Ягона акциядори, **қарор қилади:**

1. “Худудий электр тармоқлари” АЖ томонидан 2023 йил фаолияти яқунлари бўйича кўрилган зарар 1 183,45 млрд. сўмни ташкил этгани маълумот учун қабул қилинсин.

2. Жамиятнинг 25 897 505 дона имтиёзли акцияларининг ҳар бирига 25,0 сўмдан дивиденд тўлаш учун жами 647 437 625,0 сўм миқдоридан Захира фондидан маблағ ажратилсин ва ушбу дивидендлар акциядорларнинг мазкур умумий йиғилиши кунидан бошлаб 60 кун ичида тўлаб берилсин.

#### ***Кун тартибидаги етинчи масала юзасидан:***

Жамият Ягона акциядорининг 15.08.2022 йилдаги 3-сонли қарори билан 2021 йилнинг яқунлари бўйича олинган 380,15 млрд. сўмлик соф фойданинг 190,53 млрд сўмлик (50%) қисмини оддий акцияларига дивиденд ҳисоблашга йўналтириш юзасидан қарор қабул қилинган бўлсада Давлат солиқ қўмитаси томонидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 17.08.2022 йилдаги 204-сонли мажлис баённомасига асосан Инкассо талабномаси орқали “Худудий электр тармоқлари” АЖнинг ҳисоб рақамидан 300,0 млрд сўм миқдоридан дивидендга ҳисоблаб пул маблағлари ечиб олинган. Натижада Давлат солиқ қўмитаси томонидан ечиб олинган маблағлар ва акциядор томонидан дивидендга йўналтирилсин деб тасдиқланган сўмма ўртасида 128 475 533 804,25 сўм миқдоридан тафовут вужудга келиб, бу масалада Бухгалтерия ҳисоботини келгусида тўғри юритилиши учун Ягона акциядорнинг тегишли қарорини қабул қилиниши лозим ҳисобланади.

Жамият Кузатув кенгаши томонидан бу борада қуйидагилар тавсия этилган:

1. Жамиятнинг барча овоз берувчи оддий акциялар Ягона акциядорига “Худудий электр тармоқлари” АЖ Ягона акциядорининг 15.08.2022 йилдаги 3-сон қарорининг кун тартибидаги 6 масала бўйича қабул қилинган қарорининг 10- хатбошисини чиқариб ташлаш ҳамда 2- ва 3- хатбошилари кўйидаги тахрирда баён этиш юзасидан қарор қабул қилиш:

- 83,92 фоизи ёки 319 007 366 400,00 сўми (бир дона акцияга 3,767 сўмдан) Ўзбекистон Республикасининг “2022 йил учун Давлат бюджети тўғрисида”ги Қонуни талабларидан келиб чиқиб дивиденд ҳисоблашга йўналтирилсин. Бунда

ушбу сумманинг 19 007 366 400,0 сўмлик қисми Вазирлар Маҳкамасининг 09.10.2020 йилдаги 640-сон қарорига мувофиқ Энергетика вазирлиги хузуридаги бюджетдан ташқари Тармоқлараро энергияни тежаш жамғармасига ва қолган 300 000 000 000,0 сўмлик қисми белгиланган тартибда давлат бюджетига йўналтирилсин;

- 3,84 фоизи ёки 14 609 928 652,80 сўми Жамиятнинг захира фондига йўналтирилсин.

Кун тартибидаги етинчи масала юзасидан Жамиятнинг Кузатув кенгаши тавсияларидан келиб чиқиб ҳамда Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунинг 50, 59 ва 75-моддаларига асосан Жамиятнинг барча овоз берувчи оддий акциялари Ягона акциядори, **қарор қилади:**

1. “Худудий электр тармоқлари” АЖ Ягона акциядорининг 15.08.2022 йилдаги 3-сон қарорининг кун тартибидаги 6 масала бўйича қабул қилинган қарорининг 10- ҳатбошисини чиқариб ташлансин ҳамда 2- ва 3- ҳатбошилари кўйидаги тахрирда баён этилсин:

- 83,92 фоизи ёки 319 007 366 400,00 сўми (бир дона акцияга 3,767 сўмдан) Ўзбекистон Республикасининг “2022 йил учун Давлат бюджети тўғрисида”ги Қонуни талабларидан келиб чиқиб дивиденд ҳисоблашга йўналтирилсин. Бунда ушбу сумманинг 19 007 366 400,0 сўмлик қисми Вазирлар Маҳкамасининг 09.10.2020 йилдаги 640-сон қарорига мувофиқ Энергетика вазирлиги хузуридаги бюджетдан ташқари Тармоқлараро энергияни тежаш жамғармасига ва қолган 300 000 000 000,0 сўмлик қисми белгиланган тартибда давлат бюджетига йўналтирилсин;

- 3,84 фоизи ёки 14 609 928 652,80 сўми Жамиятнинг захира фондига йўналтирилсин.

#### ***Кун тартибидаги саккизинчи масала юзасидан:***

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 13-мартдаги ПФ-49-сон Фармонинг 3-бандига мувофиқ республика ижро этувчи ҳокимият органлари, хўжалик бирлашмалари раҳбарлари ва уларнинг ўринбосарларини рағбатлантириш тўловлари миқдори уларнинг самарадорлик кўрсаткичларини баҳолаш натижаларидан келиб чиқиб белгилаш;

чорак якуни бўйича самарадорлик кўрсаткичларига эришиш натижалари “қониқарсиз” деб баҳоланган раҳбарлар ва уларнинг ўринбосарларига рағбатлантириш тўловлари келгуси уч ой учун тўхтатиш ва уларга нисбатан интизомий таъсир чораларини қўллаш масаласи кўриб чиқиш;

йил якуни бўйича самарадорлик кўрсаткичларига эришиш натижалари “қониқарсиз” деб баҳоланган раҳбарлар ва уларнинг ўринбосарларига нисбатан уларнинг эгаллаб турган лавозимига лойиқлиги масаласи кўриб чиқиш тартиби ўрнатилган.

Бунда фаолияти самарадорлик кўрсаткичлари асосида баҳоланадиган республика ижро этувчи ҳокимият органлари ва хўжалик бирлашмалари раҳбарлари ва уларнинг ўринбосарларининг рўйхати Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланиши кўрсатиб ўтилган.

Шунингдек, Фармонда Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳамда Давлат активларини бошқариш агентлигига давлат улуши 50 фоиздан ортиқ бўлган йирик хўжалик жамиятлари уставларига мазкур Фармондан келиб чиқиб, тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритилишини таъминлаш вазифаси юклатилган.

Шунга кўра ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 14 мартдаги ПФ-49-сонли Фармони талаблардан келиб чиққан ҳолда “Худудий электр тармоқлари” АЖнинг янги таҳрирдаги Устави лойиҳаси тайёрланган бўлиб, ушбу Уставни тасдиқлаш зарур ҳисобланади.

Ушбулардан келиб чиқиб “Худудий электр тармоқлари” АЖнинг барча овоз берувчи оддий акциялари Ягона акциядори **қарор қилади:**

1. “Худудий электр тармоқлари” АЖнинг янги таҳрирдаги Устави 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. “Худудий электр тармоқлари” АЖ Бошқаруви раиси У.М.Мустафоевга Жамиятнинг янги таҳрирдаги Уставини тегишли давлат идораларида рўйхатдан ўтказиш ишларини амалга ошириш топширилсин.

**Кун тартибидаги саккизинчи масала юзасидан:**

“Худудий электр тармоқлари” АЖ Уставига мувофиқ Жамиятнинг Ижро органи таркиби 6 кишидан (Бошқарув раиси ва унинг 5 та ўринбосари) иборат.

“Худудий электр тармоқлари” АЖ барча овоз берувчи оддий акциялари Ягона акциядорининг 11.08.2023 йилдаги 3-сонли қарори билан Жамиятнинг куйидаги таркибдаги бошқаруви аъзолари сайланган:

“Худудий электр тармоқлари” АЖнинг куйидаги таркибдаги Бошқаруви тасдиқлансин:

1. У.М.Мустафоев - Бошқарув раиси;

2. А.Ф.Избосаров - Бошқарув раисининг электр тармоқларидан фойдаланиш бўйича биринчи ўринбосари;

3. А.К.Гайбуллаев - Бошқарув раисининг трансформация, инвестиция, инновацион ривожланиш, рақамлаштириш ва ахборот технологиялари масалалари бўйича биринчи ўринбосари;

4. А.А.Асқаров - Бошқарув раисининг иқтисод ва молия масалалари бўйича ўринбосари;

5. Д.Б.Носиров - Бошқарув раисининг капитал қурилиш бўйича ўринбосари.

6. О.Ж.Алимардонов - Бошқарув раисининг режим ва кадрлар бўйича ўринбосари.

Юқоридагилардан келиб чиқиб ҳамда Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунининг 59-моддасига асосан “Худудий электр тармоқлари” АЖнинг барча овоз берувчи оддий акциялари Ягона акциядори кун тартибидаги тўққизинчи масала юзасидан **қарор қилади:**

1. “Худудий электр тармоқлари” АЖнинг амалдаги Бошқаруви аъзоларининг (Бошқарув раиси У.М.Мустафоев, Бошқарув раисининг биринчи ўринбосарлари А.Ф.Избосаров ва А.К.Гайбуллаев, Бошқарув раиси ўринбосарлари А.А.Асқаров, Д.Б.Носиров ва О.Ж.Алимардонов) ваколати яна бир йилга узайтирилсин.

**Ўзбекистон Республикаси**  
**Иқтисодиёт ва молия**  
**вазирлиги ўринбосари**

**У.М.Мустафоев**

